

# Тошкент тиббиёт академияси талабаларининг 2017-2018 ўқув йили бахорги семестр натижалари таҳлили

ТТА ўқув ишлари бўйича проректори Ш.А.Боймурадов

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 майдаги 2956 “Ўзбекистон Республикасида тиббий таълим тизимини янада ислох қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида белгиланган вазифаларни ижросини таъминлаш мақсадида 7 йиллик ўқиш 6 йилга ўтганлиги сабабли даволаш ва тиббий педагогика факультетларини 7 курслари қишки семестрдан сўнг умумий амалиёт шифокори дипломини олиб амалий фаолиятга кузатилди. Бахорги семестр натижалари қуйидагича бўлди.

**Даволаш факультети**да жами талабалар сони 1860та шундан 554 грант асосида, 1306 та си тўлов контракти асосида таълим олмақда. 1 курсда 401 талаба тахсил олган, уларни ўзлаштириш кўрсаткичи 48,1 (2016-2017 ўқув йилида 81,5), сифат кўрсаткичи эса 10,7 (2016-2017 ўқув йилида 39,4) ни ташкил қилди. Маълумотлардан кўриниб турибдики, талабаларни ўзлаштириш ва сифат кўрсаткичлари кескин тушиб кетиши кузатилмоқда, бунинг асосий сабабларидан бири, бу қўшимча контракт асосида ўқишга қабул қилинган талабаларни ўзлаштириш кўрсаткичлари ўта паст эканлигидир. Биринчи топширишда якуний назоратга 116 талаба қўйилмаган, 92 талаба якуний назоратни биринчи марта киришдан қониқарсиз баҳо олган.

2 курс талабаларини ўзлаштириш кўрсаткичи 69,7 ўтган ўқув йилида ушбу кўрсаткич 73,9 бўлган. Сифат кўрсаткичи эса 20,7 ни ташкил қилди, ўтган ўқув йилида эса 35,8 ни ташкил қилди. Биринчи топширишда якуний назоратга 35 талаба қўйилмаган, 69 талаба якуний назоратни биринчи марта киришдан қониқарсиз баҳо олган. Ўтган йилдаги кўрсаткичларга нисбатан ушбу ўқув йилида талабаларни ўзлаштириш ва сифат кўрсаткичлари пасайганлиги кузатилади.

3 курс талабаларини ўзлаштириш кўрсаткичи 63,2 (2016-2017 ўқув йилида 71,1 бўлган) сифат кўрсаткичи эса 31,6 (2016-2017 ўқув йилида 24,1) ни ташкил қилди. Биринчи топширишда якуний назоратга 46 талаба қўйилмаган, 53 талаба якуний назоратни биринчи марта киришдан қониқарсиз баҳо олган. Ўтган йилдаги кўрсаткичларга нисбатан ушбу ўқув йилида талабаларни ўзлаштириш кўрсаткичи пасайган лекин сифат кўрсаткичи бироз кўтарилган.

4 курс талабаларини ўзлаштириш кўрсаткичи 74,3 ўтган ўқув йилида ушбу кўрсаткич 86,6 бўлган. Сифат кўрсаткичи эса 59,6 ни ташкил қилди, ўтган ўқув йилида эса 48,6 ни ташкил қилди. Биринчи топширишда якуний назоратга 22 талаба қўйилмаган, 42 талаба якуний назоратни биринчи марта киришдан қониқарсиз баҳо олган. Ўтган йилдаги кўрсаткичларга нисбатан ушбу ўқув йилида талабаларни ўзлаштириш кўрсаткичи пасайган лекин сифат кўрсаткичи бироз кутарилган.

5 курс талабаларини ўзлаштириш кўрсаткичи 90,1 ўтган ўқув йилида ушбу кўрсаткич 96,6 бўлган. Сифат кўрсаткичи эса 51,9 ни ташкил қилди, ўтган ўқув йилида эса 51,6 ни ташкил қилди. Биринчи топширишда якуний назоратга 18 талаба қўйилмаган, 9 талаба якуний назоратни биринчи марта киришдан қониқарсиз баҳо олган. Ўтган йилдаги кўрсаткичларга нисбатан ушбу ўқув йилида талабаларни ўзлаштириш ва сифат кўрсаткичлари пасайганлиги кузатилади.

6 курс талабаларини ўзлаштириш кўрсаткичи 84,9 ўтган ўқув йилида ушбу кўрсаткич 80,3 бўлган. Сифат кўрсаткичи эса 39,3 ни ташкил қилди, ўтган ўқув йилида эса 61,1 ни ташкил қилди. Биринчи топширишда якуний назоратга 7 талаба қўйилмаган, 30 талаба якуний назоратни биринчи марта киришдан қониқарсиз баҳо олган. Ўтган йилдаги

кўрсаткичларга нисбатан ушбу ўқув йилида талабаларни ўзлаштириш ва сифат кўрсаткичлари пасайганлиги кузатилади. 2 нафар талаба академик таътил олди.

Даволаш факультетини курс бўйича кўрсаткичларини таҳлили шуни кўрсатадики, ўзлаштириш кўрсаткичлари йилдан – йилга пасайиб бораётгани, сифат кўрсаткичи эса деярли камайиб бориши кузатилмоқда. Ушбу кўрсаткичларни сабабини таҳлил қилсак, талабаларда билим олишга мотивацияни камайиб, бориши, ўқитувчи ва талабаларда масъулиятни ошириш кераклиги, ўқитишда ноанъанавий таълим усулларини инновацион педагогик технологияларни қўллаш лозимлигини кўрсатади.

**Тиббий педагогика факультетида** талабаларни ўзлаштириши қуйидагича бўлди: 2016-2017 ўқув йилида 1 кириш бўйича ўзлаштириш 100, сифат кўрсаткичи эса 67,1 ташкил қилган бўлса, 2017-2018 ўқув йилида эса ўзлаштириш 96,8, сифат **29,1** ташкил қилган. Сифат кўрсаткичи камайган лекин даволаш факультети 1 курс талабаларини кўрсаткичлари билан солиштирилганда даволашга нисбатан 3 баробар юқорилиги аниқланди. Ўзлаштириш ва сифат кўрсаткичлари юқори бўлган фанлардан педагогика ва психология ўзлаштириш 98,9 сифат эса 98,2 ташкил қилди.

2 курс талабаларини 1 кириши натижалари бўйича ўтган ўқув йилида ўзлаштириш 80 сифат эса 36.6 бўлган, ушбу ўқув йилида эса ўзлаштириш 92,4, сифат эса 42,6 ташкил қилган.

3 курс талабаларини натижалари таҳлили қуйидагича бўлган: ўтган ўқув йилида ўзлаштириш 81,3, сифат эса 19,4, жорий йилда эса ўзлаштириш 91,5, сифат эса 31.7 гача кўтарилганлиги аниқланди. Ўзлаштириш ўтган йил кўрсаткичи билан бир хил, сифат қарийб 1 баробар ошган.

4 курс натижаларида талабалар кўрсаткичлари қуйидагича бўлди: ўзлаштириш ўтган йили 69.6, сифат эса 53.2 жорий йилда ўзлаштириш 95,4, сифат эса 71.3 яъни ўзлаштириш ва сифат кўрсаткичлари ўтган йилга нисбатан ошган.

5-6 курс талабаларини кўрсаткичлари ўтган ўқув йилига нисбатан деярли ўзгармаганлигини кўрсатди.

Тиббий педагогика факультетини курс бўйича кўрсаткичларини таҳлили шуни кўрсатдики, ўзлаштириш ва сифат кўрсаткичлари солиштирилганда ўтган йилдаги кўрсаткичларга нисбатан жорий йилдаги кўрсаткичлар деярли катта фарқ қилмади.

**Тиббий профилактика факультетида** 2017-2018 ўқув йилида 365 талаба таҳсил олган, уларни ўзлаштириши қуйидагича бўлди; 2016-2017 ўқув йилида 1 кириш бўйича ўзлаштириш 93,4 сифат кўрсаткичи эса 19.7 ташкил қилган бўлса, 2017-2018 ўқув йилида эса ўзлаштириш 84,4, сифат **13,3** ташкил қилган. Ўтган ўқув йилига нисбатан ўзлаштириш ва сифат кўрсаткичлари камайиб кетганлиги кузатилди. Тиббий биология йўналишида эса кўрсаткичлар ўтган йилги кўрсаткичлардан деярли фарқ қилмади.

2 курс талабаларини 1 кириши натижаларини таҳлил қилсак унда ўтган ўқув йили ўзлаштириш 46,9 сифат кўрсаткичи эса 29,7 бўлган. Жорий йилда эса ўзлаштириш 43.7 сифат эса 12,7 ташкил қилди. Кўрсаткичларга қараганда ўтган йилга нисбатан ўзлаштириш ва сифат пасайиб бормоқда.

3 курс талабаларини натижалари таҳлили шуни кўрсатдики, ўзлаштириш 93,1 дан 72.3 гача пасайган, сифат эса 13.6 дан 10,8 гача пасайганлиги аниқланди. Тиббий биология йўналишида ҳам деярли фарқлар аниқланмади. 4 ва 5 курс натижаларида ўтган ўқув йилига нисбатан ўзлаштириш ҳам сифат ҳам биров пасайганлиги аниқланади

Тиббий профилактика ва тиббий биология йўналишларини семестр натижалари таҳлили шуни кўрсатдики, барча кўрсаткичлар ўтган йилга нисбатан пасайиб кетган, айниқса 1-2 курслар кўрсаткичлари кескин пасайган, катта курсларда эса кўрсаткичлар деярли ўзгармаганлиги аниқланди. Буларни сабаби биринчи курсларга қабул қилинаётган

талабаларни билим даражаси пастлигидир. Юқори курслардаги кўрсаткичларни ўзгармаслигини сабаби баҳолаш мезонларини қайта кўриб чиқиш, янги педагогик технологияларни жорий қилиш тақозо этилади.

**Олий маълумотли ҳамшира факультетида** ўтган ва ушбу ўқув йилида таълим олган талабалар сони катта фарқ қилмаган 2017-2018 ўқув йилида 290 талаба таҳсил олган, уларни ўзлаштириши қуйидагича бўлди: 2016-2017 ўқув йилида 1 кириш бўйича ўзлаштириш 81,3, сифат кўрсаткичи эса 47,3 ташкил қилган бўлса 2017-2018 ўқув йилида эса ўзлаштириш 65,5, сифат **27** ташкил қилган. Ўзлаштириш ва сифат кўрсаткичлари ўтган йилга нисбатан камайган.

2 курс талабаларини 1 кириши натижалари бўйича ўтган ўқув йилида ўзлаштириш 85,4, сифат эса 67,4 бўлган, ушбу ўқув йилида эса ўзлаштириш 94,5, сифат эса 91,2 ташкил қилган.

3 курс талабаларини натижалари таҳлили қуйидагича бўлган ўтган ўқув йилида ўзлаштириш 97,7, сифат эса 81,6 жорий йилда эса ўзлаштириш 97,8, сифат эса 64 ташкил қилган

Факультет бўйича ўтган ўқув йилида ўзлаштириш кўрсаткич 88, сифат эса 65,2 бўлган, жорий йилда эса ўзлаштириш 84,5, сифат эса 49,3 ташкил қилди. Натижалар таҳлили шуни кўрсатдики, ўзлаштириш кўрсаткичлари деярли ўзгармаган, сифат кўрсаткичи эса кескин пасайган.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, академия бўйича талабаларни ўзлаштириш ва сифат кўрсаткичларини пасайиб кетишига бир неча сабаблар мавжуд, яъни 1 курсга қабул қилинаётган талабаларни айниқса қўшимча қабул қилинган ва бошқа ОТМлардан ўтказилганларни билим савияси пастлиги, талабаларда билим олиш иштиёқини пасайганлиги, ўқитиш жараёнида педагогик ва инновацион технологияларни қўлланилишини камайганлиги, талабаларни ўқиш масъулияти пасайиб кетишидир. Ўқитувчилардан эса ўқитиш жараёнида илғор педагогик ва инновацион технологияларни қўллаш, талабаларда ўқишга бўлган иштиёқни ошириш, уларга дарс жараёнида ахборот коммуникацион технологияларни қўллаш, хорижий тажрибаларни жорий қилиш талаб этилади.

Боймурадов Ш.А.

e-mail: [shuh69@mail.ru](mailto:shuh69@mail.ru)

тел: +99890 374 1958